

Адилов Б.Б.,Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти;**Абдуллаева М.К.,**Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти;**Нормурадов А.Б.,**Тошкент давлат иқтисодиёт
университети талабаси

ДАВЛАТ ВА МИНТАҚА МИҚЁСИДА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

УДК: 91:33:338.27(575.1)

**АДИЛОВ Б.Б., АБДУЛЛАЕВА М.К., НОРМУРАДОВ А.Б. ДАВЛАТ
ВА МИНТАҚА МИҚЁСИДА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА УНИ ТАШКИЛ
ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Мақолада давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий-услубий асослари ва унинг зарурлиги ёритилган. Минтақаларнинг ривожланишини прогнозлашда унга таъсир кўрсатувчи омиллар кўриб чиқилган. Ўрта, қисқа, узоқ муддатли прогнозлар тизимининг асосий жиҳатлари кўрсатилган.

Таянч иборалар: стратегик мақсад, стратегик режа, прогнозлар, иқтисодий омиллар, экологик омиллар, маъмурий омиллар, қисқа муддатли прогнозлар, ўрта муддатли прогнозлар, узоқ муддатли прогнозлар.

**АДИЛОВ Б.Б., АБДУЛЛАЕВА М.К., НОРМУРАДОВ А.Б. ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ
ГОСУДАРСТВЕННОГО И РЕГИОНАЛЬНОГО ПРОГНОЗИРОВАНИЯ**

В статье рассматриваются научно-методические основы социально-экономического прогнозирования и его необходимость. Приводятся факторы, влияющие на прогнозирование регионального развития. Дана концепция стратегического плана социально-экономического прогнозирования города.

Ключевые слова: стратегическая цель, стратегический план, прогнозы, экономические факторы, экологические факторы, административные факторы, краткосрочные прогнозы, среднесрочные прогнозы, дальнесрочные прогнозы.

ADILOV B.B., ABDULLAEVA M.K., NORMURADOV A.B. THE MAIN WAYS OF NATIONAL AND REGIONAL FORECASTING

In the article it can be seen the theoretical – methodical basics of socio-economic forecasting and its necessity. It is written about factors effecting to regional forecasting development and conceptions of strategic social-economic forecasting of a particular country is given.

Keywords: market of consumer goods, security of consumer goods, indicative plan, level of demand in consumer market, ecological factors, administrative factors, short term forecasting, long term forecasting and further forecasting.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаштириш тизимлаштирилган илмий асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишлари ва бозор иқтисодиёти қонунларига асосланади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаштириш узок, ўрта, қисқа муддатли прогнозларни ўз ичига олади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда барча минтақаларни ривожлантириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди. Ўзбекистон «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» рейтингда жаҳонда 44-ўринни, пойтахтимиз Тошкент Буюк Британиянинг «Economist» журнали бўлинмаси – Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллагани ҳам шаҳару қишлоқларимиз янада кўркамлашиб, яшаш учун қулайликлар ортиб бораётганлигидан дарак беради.

Мамлакатимиз шаҳарлари бош режа асосида қайта қурилмоқда. Янги саноат корхоналари, замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар барпо этилаяпти. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2016 йилнинг тўққиз ойи ичида қиймати 4091,7 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва ўсиш суръати 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробарни, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 1,3 миллиард долларни ташкил қилди. 2016 йилнинг тўққиз ойи мобайнида ялпи ички маҳсулот 107,8%ни ташкил қилиб, энг асосийси хусусий секторнинг ривожланиши кўзга ташланмоқда¹.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сон фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш билан бир қаторда, келгусида ялпи ички маҳсулот улушида хусусий тадбиркорлик ҳиссасининг ошишини таъминлайди. Ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишини таъминлашда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаштириш:

- асосий иқтисодиёт структурасининг умуммиллий қизиқишларининг бажарилишига йўналтирилган давлат дастурлари;
- демографик ҳолат таҳлили, илмий-техникавий салоҳият, миллий бойлик, ижтимоий структура, ташқи ҳолатлар, табиий ресурсларнинг комплекс таҳлили дастурларини ўз ичига олади.

Прогноз жараёнини шакллантириш тескари алоқа тамойилига асосланади: иқтисодий сиёсат йўналишлари ва ҳўжалик субъектлари фаолиятларини ҳисобга олган ҳолда минтақа стратегияси ишлаб чиқилади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаштириш

¹ <http://www.pv.uz/economics/26758> (10.12.2016 й.).

тизими қуйидаги асосий талабларни қондириши лозим:

- мақсадга эришиш учун барча хўжалик тармоқлари ва секторларини қамраб олиб яхлит иқтисодиётни бошқариш;

- бозор механизмларидан фойдаланиб хўжалик субъектлари фаолиятини баланслаштириш;

- ишлаб чиқариш ҳолатига кўра тартибга солишнинг табақалашган усулидан фойдаланиш.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаштириш қуйидаги тамойилларга асосланади:

- 1) ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик мақсад ва бош вазифаларини прогнозлаштиришнинг йўналтирилганлиги;

- 2) прогнознинг узлуксизлиги;

- 3) макроиқтисодий баланслаштиришни таъминлаш мақсадида жами талаб прогнозлари ва ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни ҳисобга олиш;

- 4) ечимларни қабул қилишда комплекс ёндашув;

- 5) прогнознинг эластиклиги – эгилювчанлиги, ташқи ва ички шароитларга таъсирини ҳисобга олиш;

- 6) устувор йўналишларда назоратни таъминлаш;

- 7) прогнозларнинг илмий асосланганлиги.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозини ишлаб чиқишда қуйидагилардан фойдаланиш талаб этилади:

- 1) макроиқтисодий таҳлил усуллари, қайсики уларнинг предмети бўлиб, макроиқтисодий кўрсаткичлар, пропорциялар, истеъмол ва жамғармалар, иқтисодий ўсиш омиллари, иқтисодиёт секторлари ва ривожланиш тармоқлари ҳисобланади;

- 2) прогнознинг оптимал вариантларини ҳисобга олишда эконометрик таҳлил ва иқтисодий-математик моделлаштириш усулларидан фойдаланиш;

- 3) статистик ахборотларнинг замонавий технологияларни қўллаган ҳолда статистик таҳлил усулларига асосланиш;

- 4) статистик таҳлилнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари омили дина-

микасига таъсирини тежамкор баҳолаш усулига асосланиш.

Асосий иқтисодий пропорциялар ўзгаришларини прогноз қилишда қиймат ва натурал баланслар тизими ўз аҳамиятини сақлаб қолади, иқтисодиётда истеъмол нисбатлари ва ресурсларни баҳолаш, иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари ривожланишининг мақсадлилигини таъминлашда дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни тартибга солиш инструменти тизими асосий ҳисобланади.

Прогнозлар тизими ўрта, қисқа, узоқ муддатли прогнозлар тизимидан иборат. Узоқ муддатли прогнозлар 10-15 йил учун тузилади ва у стратегия, мақсад, йўналишлар, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, аниқ мақсадга эришишда иқтисодий сиёсат ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Узоқ муддатли прогнозлар жорий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати таҳлиliga асосланиб, қуйидагиларни аниқлайди:

- истиқболдаги мақсад ва вазифалар тизими;

- ривожланишнинг устувор йўналишлари ва уларни амалга оширишда босқичлилиги;

- асосий макроиқтисодий параметрлар ва пропорциялар ва иқтисодий ўсиш суръатлари имкониятлари;

- ресурс салоҳияти, улардан фойдаланишнинг йўналишлари ва фойдаланишнинг самарадорлиги;

- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар;

- иқтисодий сиёсатдаги ташқи ва ички асосий йўналишлар;

- иқтисодиёт тизимидаги асосий институционал ўзгаришларни қайта ташкил этиш.

Ўрта муддатли прогноз иқтисодий ривожлантиришни прогноз қилишда макроиқтисодий параметрлар ва структураларни ўз ичига олиб, тавсиялар ва йўналишлар шаклида амалга оширилади. Ўрта муддатли прогноз аниқ макроиқтисодий параметрларни аниқ режа асосида прогноз қилишга асосланиб, аниқ мақсад ва вазифалар доирасида амалга оширилади.

Иқтисодиёт вазирлиги бошқа иқтисодиёт муассасалари ва илмий ташкилотлар билан бирга асосий иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий сиёсат йўналишидаги тавсиялар

билан ўзаро келишган ҳолда муҳокама қилинади. Муҳокамадан сўнг эса оммавий ахборотда барча асосий макроиқтисодий параметрлар эълон қилиниши лозим. Минтақавий ва тармоқ бошқармалари ўз режаларини умумлаштиради ва прогноз кўрсаткичларини иқтисодиёт вазирлигига юборади. Барча бошқармаларнинг прогноз кўрсаткичлари асосида иқтисодиёт вазирлиги макроиқтисодий параметрларнинг прогноз параметрларини ўрта муддатли давр учун ишлаб чиқаради.

Қисқа муддатли прогноз бир йил давр учун қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Иқтисодиёт вазирлиги молия вазирлиги ва бошқа муассасаларнинг иқтисодий сиёсат йўналишларига асослаган ҳолда келгуси йил учун иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичларининг прогноз вариантларини ишлаб чиқаради.

Ишлаб чиқариш ва бозор конъюнктурасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар миллий дастурлар, давлатнинг инвестицион дастурлари билан бирга аниқлаштирилади. Корхона ва ташкилотлар олинган ахборотлар асосида мустақил равишда прогноз ва бир йиллик давр ичидаги ўзларининг асосий истиқболдаги режаларини маҳаллий минтақавий бошқармалар, иқтисодиёт вазирлигининг бошқармаларига етказишади. Иқтисодиёт вазирлиги ва молия вазирлиги бошқа вазирликлар билан бирга давлат бюджети лойиҳаси ва прогноз параметрлари билан ўзаро боғлиқликни давлат эҳтиёжи учун ресурс ва иқтисодиётни тартибга солишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширадilar.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогноз қилиш давлат бюджети билан бирга мамлакат ҳукуматига топширилади. Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлисни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози ва давлат бюджети лойиҳаси билан таништиради. Давлат эҳтиёжлари учун моддий-техникавий ва молиявий прогноз параметрларини амалга ошириш учун давлат маблағлари ажратилади, асосий иқтисодиёт объектлари учун қайтариб олиш гаровисиз кредитлар берилади.

Минтақанинг ривожланишини прогнозлаш шу минтақа стратегиясини ишлаб чиқишдан бошланади. Минтақа стратегияси асосида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда

иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ўстириш муаммоси туради. Бу вазифани минтақа тараққиётига таъсир кўрсатувчи қуйидаги омиллар ёрдамида амалга ошириш мумкин:

– иқтисодий омиллар: иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши минтақадаги мавжуд табиий ресурслар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва иқтисодиётнинг таркибий тузилишига боғлиқдир;

– ижтимоий омиллар: минтақа тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасига аҳоли даромадлари, ишсизлик даражаси, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимининг ҳолати каби қатор ижтимоий кўрсаткичлар таъсир кўрсатади;

– экологик омиллар: атроф-муҳитнинг ҳолати ресурслардан табиатга зарар етказмай фойдаланишга боғлиқдир;

– маъмурий омиллар: маҳаллий бошқарув ва ҳокимият органлари фаолиятининг самардорлиги, улар фаолиятининг бошқа субъектлар билан уйғунлашуви минтақа ривожланишининг асосий шартларидир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётнинг давлат томонидан самарали бошқаришга маҳаллий хусусиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилганидагина эришилади. Бу ҳолатда республика ҳокимият органлари умуммиллий хусусиятдаги қарорларни қабул қилиш, иқтисодиётнинг ривожланиши истиқболи йўналишларини аниқлаш ва фаолият кўрсатиш, қонунни ҳимоя қилиш ва ҳимоялаш каби ишларга қаратилган бўлади.

Шундай қилиб, минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини тартибга солиш зарурияти минтақаларга ижтимоий-иқтисодий муаммоларни (бандлик, ижтимоий ҳимоя, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш ва бошқалар) ўзларига бириктирилган даромадлар манфаатлари ҳисобига ҳал этишда кўпроқ эркинлик ва ваколатлар берилганда юзага келади.

Давлат минтақавий сиёсатининг асосий мақсадларига қуйидагилар киради:

1) мамлакатда минтақавий сиёсатнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратиш;

2) минтақаларнинг иқтисодий имкониятларидан қаътий назар, ягона минимал ижтимоий стандартлар ва тенг ижтимоий ҳимояни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш;

3) минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шарт-шароитларни тенглаштириш;

4) атроф-муҳит ифлосланишини тўхтатиш ҳамда унинг ифлосланиши оқибатларини йўқотиш, минтақаларни комплекс экологик ҳимоя қилиш;

5) ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга минтақаларни устувор ривожлантириш;

б) минтақаларнинг табиий-иқлим хусусиятларидан тўлиқ фойдаланиш.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда минтақавий сиёсатнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, минтақаларда кўп укладли иқтисодиётни, шу жумладан кичик тадбиркорликни шакллантиришга, товар, меҳнат ва капиталнинг умумдавлат ва минтақавий бозорларининг ҳамда институционал ва бозор инфратузилмасининг шаклланишига кўмаклашиш;

- минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда жуда ҳам катта фарқларни камайтириш, унда аҳоли фаровонлигини оширишнинг ўз иқтисодий базаларини мустаҳкамловчи шароитларни босқичма-босқич яратиш;

- минтақалар иқтисодий тузилмаси ривожланишини иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан оқлайдиган даражага эришиш, бозор шароитида уларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

- минтақалараро инфратузилмавий тизимларни ривожлантириш;

- экологик ва фавқулудда ҳолатларга учраган, ишсизлик даражаси юқори бўлган, демографик ва миграцион муаммолар бўлган минтақаларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш.

Минтақавий сиёсатни амалга ошириш воситалари қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни прогноз қилиш;

- минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳа объектларини ривожлантиришда давлатнинг тўғридан-тўғри иштироки;

- давлат буюртмаларини жойлаштириш;

- иқтисодий механизм ва регуляторларни қўллаш;

- эркин иқтисодий минтақаларни ташкил қилиш.

XX асрни биз урбанизация ривожланган аср сифатида қарашимиз мумкин. Агар XIX аср охирида ер юзининг 13,0%ини шаҳарлар ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 49,0%га етган. БМТ иқтисодчиларининг ҳисобкитобига кўра, бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 60,0 фоизни ташкил этиши лозим керак¹. Шунинг учун ҳам шаҳарларни ривожлантириш муаммоси минтақаларнинг ривожланишини таъминлашда ўз ўрнига эгадир.


Шаҳарларни ривожлантириш ва унинг прогноз кўрсаткичларини таҳлил қилишда биринчи навбатда стратегик режа ишлаб чиқиши лозим.

Бизнинг фикримизча, шаҳарни ривожлантиришнинг стратегик режаси унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси билан узвий ҳолда амалга ошириши лозим. Буни биз 1-расмдаги схема орқали ифода этдик.

1-расмда келтирилганидек, шаҳарни ривожлантириш стратегик режасини ишлаб чиқишда шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши концепцияси ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши концепцияси стратегик мақсад, вазифа, мақсадли дастурлар ва ушбу мақсадли дастурларни амалга оширишда муҳим ҳисобланган норматив-ҳуқуқий режанинг бажарилиши муҳим ҳисобланади. Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши концепциясини амалга оширишда биринчи навбатда ушбу вазифаларни амалга ошириш жараёнининг мониторинги муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мониторинг натижасига кўра, бажарилмаган вазифалар қайтадан кўриб чиқиши лозимдир.

¹ World urbanization Prospects. The 2005 revision. United Nations, Department of Economic and social Affairs. Population Division. New York, 2006.

² Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

1-расм. Шаҳарни ривожлантиришда стратегик режани ишлаб чиқиш¹.

Умуман, шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши концепциясини 2-расмдаги кўринишда ифодаласак бўлади.

2-расмда келтирилган стратегик режа концепцияси ва стратегик режани ишлаб чиқиш орқали шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишлари белгилаб бериллади. Унга асосан прогноз сценарийси 3 йўналишда кўриб чиқилади. Бу прогноз сценарийси шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясида режа ва прогноз кўрсаткичларининг норматив-ҳуқуқий таъминоти асосида қайтадан кўриб чиқилади.

Мақсадни амалга оширишнинг мониторингини олиб боришда асосий индикаторлар, стратегик мақсадларни кўриб чиқиш лозим.

Мисол учун, аҳоли турмуш фаровонлиги блокада стратегик мақсад сифатида фуқароларнинг даромадлари даражаси ошиши, шаҳарнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш турса, асосий индикатор сифатида ялпи минтақавий маҳсулот ва минимал иш ҳақининг ошиши билан мос равишда даромадларнинг ўзгариши ҳисобланади.

Замонавий шаҳарлар ҳар тарафлама жаҳон андозаларга мос бўлишини ҳисобга олсак, Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрида ҳам айнан шаҳарнинг ижтимоий-

иқтисодий ривожланишининг режа ва прогноз кўрсаткичлари Тошкент шаҳар ҳокимиятининг иқтисодий бош бошқармаси томонидан мониторинг қилиб борилади.

Юқоридагилар асосида хулоса қилиш мумкинки, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаштириш қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим:

1) ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик мақсад ва бош вазифаларини прогнозлаштиришнинг йўналтирилганлиги;

2) прогнознинг узлуксизлиги;

3) макроиқтисодий баланслаштиришни таъминлаш мақсадида жами талаб прогнозлари ва ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни ҳисобга олиш;

4) ечимларни қабул қилишда комплекс ёндашув; прогнознинг эластиклиги-эгилювчанлиги, ташқи ва ички шароитларга таъсирини ҳисобга олиш; устувор йўналишларда назоратни таъминлаш; прогнозларнинг илмий асосланганлиги.

Шу билан бир қаторда, бизнинг фикримизча, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогноз қилишни ишлаб чиқишда қуйидагилардан фойдаланиш мувофиқдир:

– макроиқтисодий таҳлил усуллари, қайсики уларнинг предмети бўлиб, макроиқтисодий

2-расм. Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегик режаси концепцияси¹.



кўрсаткичлар, пропорциялар, истеъмол ва иқтисодий-математик моделлаштириш усул-
 жамғармалар, иқтисодий ўсиш омиллари, ларидан фойдаланиш;
 иқтисодиёт секторлари ва ривожланиш тар- – статистик таҳлилнинг ижтимоий-иқти-
 моқлари ҳисобланади; содий ривожланиш жараёнлари омили дина-
 – прогнознинг оптимал вариантларини микасига таъсирини эконометрик баҳолаш
 ҳисобга олишда эконометрик таҳлил ва усулига асосланиш.

Адабиётлар:

1. Беркинов Б., Абдуллаева М., Таваккалов Ж. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаш. – Т.: ТДИУ, 2011. -150-б.
2. World urbanization Prospects. The 2005 revision. United Nations, Department of Economic and social Affairs. Population Division. New York, 2006.
3. <http://www.pv.uz/economics/26758> (10.12.2016 й)

¹ Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.